

**ИССИҚ СУВ ҲОЛИДАГИ ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА
ШАРТНОМА 5/2022**

2022 йил «» январ

Нуробод шаҳарчаси

Бундан буён “Таъминотчи” (улгуржи олиб-сотувчи) деб аталиб, Низом асосида фаолият олиб борувчи “**Kommunal xizmat ko`rsatish» davlat korxonasi** номидан раҳбар А.Эргашов бир томондан ва бундан буён матнда “Истеъмолчи” деб аталиб, низом асосида амал қилувчи Охангарон туман Мактабгача таълим булими номидан раҳбар М.Абдурахманова иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида тuzдилар.

1. Шартнома мазмуни

1.1. Ушбу шартнома бўйича “Иссиқлик таъминоти корхонаси” иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб беришни, “Истеъмолчи” эса истеъмол қилган иссиқлик энергияси учун ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Томонлар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22 август 2009 йилдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари”га(кейинчали “Қоидалар” деб юритилади) ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амал оширадилар.

1.3. Шартноманинг умумий суммаси 40 493 216 сўм 49 тийинни (Кирк миллион тўрт юз туксон уч минг икки юз ун олти сум 49 тийин) ташкил этади*,
шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан 40 493 216 сўм 49 тийинни (Кирк миллион тўрт юз туксон уч минг икки юз ун олти сум 49 тийин) сўм,
бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан _____х_____ сўм.

2. Етказиб бериладиган энергия миқдори

2.1. Иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик энергияси 2022 йил “___” январдан 2022 йил “31” гача муддатда қуйидаги энг юқори соатбой иссиқлик юкланиши ҳисобидан етказиб берилади:

а) иситишга 189,5 Гкал/соат;

б) шамоллатишга _____х_____ Гкал/соат;

в) иссиқ сув таъминоти (ИСТ)га (ўртача соатбай) 80,2 Гкал/соат;

г) технологик эҳтиёжларга _____х_____ Гкал/соат.

Жами _____269,7_____ Гкал/соат. “Истеъмолчи”га етказиб бериладиган _____ иссиқлик тахминан _____269,7_____ Гкал.ни ташкил этади.

Иситиш, ИСТ ва технологик эҳтиёжлар учун ҳисобланган юкламалар, лойиҳавий қийматлар ва амалдаги меъёрларга биноан қабул қилинади.

“Истеъмолчи” томонидан истеъмол қилинаётган иссиқлик энергиясини шартномада кўрсатилган соатбай юкламадан ортиқча оширишга фақат, “Таъминотчи” руҳсати билан, “Истеъмолчи” томонидан техник шартлар бажарилгандан ва унинг илтимосига кўра шартнома тегишлича ўзгартирилганидан сўнг йўл қўйилади.

“Истеъмолчи”га етказиб берилётган иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик энергиясининг ҳар ойлик миқдорини ҳисоб-китоб қилиш, иссиқлик манбалари томонидан ҳақиқатда етказиб берилган иссиқлик миқдорига мувофиқ, ҳисобот оyi учун ташқи ҳаво ҳароратига боғлиқ бўлган ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичига биноан ҳамда ҳисоб-китоб даврининг ҳақиқатда давом этишини (узиб қўйишларни ҳисобга олган ҳолда) инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

2.2. Иссиқлик энергияси беришини ҳисобга олиш, “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи” иссиқлик тармоқларининг бўлиниш чегарасида ўрнатилган иссиқлик энергияси сарфини ҳисобга олувчи асбоблар бўйича амалга оширилади:

Узатувчи ва қайтиш қувурларида ўрнатилган қайд қилувчи сарф ўлчагичлар ва қайд қилувчи ҳарорат ўлчагичлар билан амалга оширилади.

*Изоҳ: Бюджет маблағлари бўйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молния органларида рўйхатдан ўтказилгунга қадар, вақтинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва миқдорлар кўрсатилади.

Иситиш мавсумлари орасида ҳисоб-китоб қилиш иссиқ сув таминоти тармоғида ўрнатилган иссиқлик ҳисоблагичи билан ёки ушбу тармоққа ўрнатилган қайд қилувчи сарф ўлчагич ва қайд қилувчи ҳарорат ўлчагичлари билан амалга оширилади. Ҳисобга олиш асбобларини бўлиниши чегарасида ўрнатилмаган бўлса, иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш, бўлиниш чегарасидан ўлчаш асбоблари ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. “Таъминотчи” йўқотишларни ҳисоб-китобини “Истеъмолчи” билан биргаликда амалга оширади.

2.3 “Истеъмолчи”да ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаганда, “Истеъмолчи”га берилаётган иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик энергияси миқдори амалдаги “Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари” ва “Иссиқлик энергияси етказиб беришни ҳисобга олиш қоидалари”га биноан ҳисоб-китоб қилинади. Ҳисобга олиш асбоблари бўлмаган “Истеъмолчи”ларга берилган иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик энергияси миқдори, иссиқлик манбалари асбоблари бўйича ҳисобга олиш асбоблари бўлган “Истеъмолчи”ларга берилган иссиқлик энергиясини, “Таъминотчи” ва “Истеъмолчи”нинг иссиқлик тармоқларидаги меъёрлаштирилган ва меъёрлаштирилмаган, ҳужжатлаштирилган иссиқлик йўқолишини айриб ташлаб, қолган иссиқлик миқдорини “Истеъмолчи”лар ўртасида шартномавий юкламага мутаносиб тақсимлаган ҳолда аниқланади. Ҳамда “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га етказиб бераётган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 06 ноябрдаги №300 сонли қарорининг 10 бўлими 2- хатбошига асосланиб ҳисоб китоб қилади.

2.4 “Истеъмолчи” иссиқлик энергияси сарфини ўлчовчи асбоблар бўйича иссиқлик энергияси истеъмолини ҳисобга олиш журнали (қайдномаси)ни юритиши ва ҳисобот даври учун ўлчов асбоби архивидан (ҳар ойнинг 25 кунигача) чоп этилган ҳисобот тақдим этиши лозим. Ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини ўз вақтида (ҳар ойнинг 25 кунигача) тақдим этмаган “Истеъмолчи”лар бўйича, уларга етказиб берилган иссиқлик энергияси миқдорини ҳисоб-китоби шартномавий юклама бўйича амалга оширилади.

2.5 “Истеъмолчи”лар, шу жумладан технологик жараён хусусиятларига кўра иссиқлик таъминотида узилишларга йўл қўйиш мумкин бўлмайдиган иссиқлик хўжаликлари захиравий иссиқлик манбалари билан таъминланиши лозим.

3. Нарх ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1 Иссиқлик энергияси учун тўловларни амалга оширишда ҳисоб-китоб қилиш даври бўлиб кейинги ой якунигача бўлган ой ҳисобланади.

3.2 “Истеъмолчи”га етказиб берилган иссиқлик энергияси миқдори _____ да ўрнатилган _____ рақамли ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

3.3. Ҳисобга олиш асбоблари бўлиниш чегарасидан ташқарида ўрнатилган бўлса, иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилишда, ҳисобга олиш асбобларида ҳисобга олинган иссиқлик миқдори бўлиниш чегарасидан ўлчаш асбоблари ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги йўқотишлар миқдорига кўпайтирилади (камайтирилади). Ойма-ой йўқотишлар миқдори “Таъминотчи” томонидан “Истеъмолчи” билан биргаликда ҳисоб-китоб қилинади ҳамда далолатнома тузиш йўли билан аниқланади ва тўловни амалга оширишда иссиқлик тармоқларини тегишли участкаси қайси балансга тегишлигига қараб “Истеъмолчи”га олиб борилади.

3.4. “Истеъмолчи” ойма-ой ҳисобга олиш асбобларидан кўрсаткичларни олади ва иссиқлик энергиясини истеъмоли бўйича ҳисоботни “Таъминотчи”га тақдим қилади. “Истеъмолчи” ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини ўз вақтида тақдим этмаган ҳолларда, уларга етказиб берилган иссиқлик энергияси миқдорини ҳисоб-китоби шартномавий юклама бўйича амалга оширилади.

3.5. “Истеъмолчи” томонидан ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини тақдим қилинганидан сўнг, “Истеъмолчи” билан биргаликда ҳисоблагич кўрсаткичи рақамлари ва иссиқлик энергиясидан ҳақиқатда фойдаланилганлиги ҳақида маълумотлар бўйича ҳисобот расмийлаштирилади. Бу ҳисобот етказиб берилган ва истеъмол қилинган иссиқлик энергияси бўйича бирламчи ҳужжат ҳисобланади. Ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини тақдим этишда ҳисобот бир томонлама тартибда тузилади.

“Таъминотчи” истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини белгиланган шакл бўйича (Илова №5) ҳисоб-китоб қилади, сўнг “Истеъмолчи”га ҳисоб-варақ фактура тўлдириб, тақдим этади.

Иссиқлик энергияси учун қилинган ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2002 йил 15 апрелда № 1122- сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида НИЗОМ”нинг 39 бандига асосан “Истеъмолчи”нинг ҳисоб рақамидан акцептсиз ҳисобдан чиқариш йўли билан амалга оширилади, бюджетдан маблағ олувчилар бундан мустасно.

3.6. “Истеъмолчи” тариф бўйича ойлик шартнома қийматининг 100 фоиз миқдорда, қонунчиликда белгиланган тартибда олдиндан тўловларни амалга оширади.

3.7. “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га етказиб берилган 1 Гкал. иссиқлик энергияси учун шартнома имзоланаётган вақтда 130558 сўмдан тўлайди, ҚҚСи қўшилади.

3.8. Тарифлар ўзгарган ҳолатларда янги тарифлар тасдиқланган вақтдан бошлаб оммавий ахборот воситаларида эълон берилган кундан 15 кун ўтиб ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

3.9. “Истеъмолчи”нинг ҳисобга олувчи асбоблари “Ўзстандарт” Агентлиги органларидан текширувдан ўтказилиши ва гувоҳномага эга бўлиши лозим. Агарда унинг муддати тугаган бўлса, ҳисобга олувчи асбоблар томонидан ҳисобланаётган иссиқлик энергияси ҳисоб-китоби ўзини қонуний кучини йўқотади. Иссиқлик энергиясини ҳисобга олувчи асбобларини кўриқдан ўтказиш “Ўзстандарт” Агентлиги белгилаган муддатларда амалга оширилади.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. “Таъминотчи” қуйидагиларга ҳақли:

берилган иссиқлик энергияси учун қонунчиликда белгиланган тартибда ҳақ тўламаган “Истеъмолчи”га иссиқлик энергиясини беришни тўхтатиб қўйишга;

қуйидаги ҳолларда, “Истеъмолчи”ни огоҳлантирилган ҳолда иссиқлик энергияси беришни тўлагигича ёки қисман тўхтатиб қўйишга ҳақли:

- тўлов ҳужжатлари бўйича иссиқлик энергияси учун белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда (агар “Истеъмолчи” иссиқлик энергияси берилишини тўхтатиш тўғрисида 7 кун олдин огоҳлантирилган бўлса);

- “Истеъмолчи”, иккиламчи мижозларни, янги иссиқлик юкламалари, цехлар ва ускуналар ёки уларнинг алоҳида қисмларини иссиқлик тармоқларига, шунингдек бошқа ташкилотларнинг иккиламчи мижозларининг иссиқлик тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олинганда;

- иссиқлик истеъмоли тизимларини “Ўздавэнергияназорат” агентлиги инспекторининг иштирокисиз фойдаланишга киритганда;

- иссиқлик истеъмоли тизимларини ўлчаш асбоблари ўрнатилгунга қадар улаб олганда;

- иссиқлик истеъмолининг белгиланган шартномавий қиймати иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг розилигисиз шартномада белгиланган энг юқори соатбай юкламасидан оширилганда ёки қайтиш тармоғидан сув ҳарорати кўрсатилган энг юқори қийматдан юқори бўлганда;

- иссиқлик энергиясини истеъмол қилишда исрофгарчиликга йўл қўйилганда: иссиқлик энергияси ўғирланганда, тармоқ суви оқизиб қўйилганда ва ифлослантирилганда;

- иссиқлик энергиясини ҳисобга олувчи асбобларига нисбатан иссиқлик истеъмоли тизимини қониқарсиз ҳолати аниқланганда;

- иссиқлик энергиясидан фойдаланишда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун кўрсатмалар топшириш ва уларни бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.2 “Таъминотчи” мажбуриятлари:

- иссиқлик энергиясини ҳисобга олувчи асбоблари бўлган “Истеъмолчи”ларга шартномада кўзда тутилган миқдорда иссиқлик энергияси етказиб бериш, “Истимолчи”да иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбоблари бўлмаган тақдирда, “Истеъмолчи”ларга етказиб берилган иссиқлик энергияси миқдори шартноманинг 2.3-бандига биноан ҳисоб-китоб қилинади;

- ҳарорат жадвалига мувофиқ, фарқ қилиши $\pm 3\%$ дан кўп бўлмаган ташқи ҳаво ҳароратига нисбатан иссиқлик манбалари коллекторларидан берилаётган тармоқ сувининг ўртача суткалик ҳароратини ушлаб туриш;

- жорий иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш жадвалига мувофиқ гидравлик ҳисоб-китоблар натижаларини (тизимнинг иссиқлик бўғинларидаги торайтирувчи қурилмалар ўлчамларини) бериш;

- “Истеъмолчи”га бориб кўздан кечирилган ҳар бир ҳолат бўйича далолатнома тузиш;

“Истеъмолчи” томонидан белгиланган лимитдан ошиқ олганлиги, иссиқлик ускуналарини ўзбошимчалик билан улаб олганлиги, ҳисобга олувчи асбоблар кўрсаткичлари билан тасдиқланган,

мавжуд кувватларни кўпайтирганлик ёки оширганлик ҳолатлари “Таъминотчи” томонидан аниқланган тақдирда, ҳужжатлар “Ўздавэнергияназорат” агентлигига топширилади.

4.3 “Истеъмолчи” куйидаги ҳуқуқларга эга:

- “Таъминотчи” айби билан содир бўлган носозликларни тузатиш, шунингдек икки томонлама далолатнома тузиш учун (ёзма равишда ёки оғзаки телефон орқали) “Таъминотчи” вакилини чақириш;

- “Таъминотчи” айби билан иссиқлик таъминотида рўй берган бузилишлар оқибатида келтирилган зарарни икки тарафлама далолатнома асосида тўла ҳажмда қоплашни талаб қилиш.

4.4 “Истеъмолчи” мажбуриятлари:

- иссиқлик ташувчи манба ҳисобланган даражада ўзгармас сарфланганда, иссиқлик етказиб беришни сифатли бошқариш билан боғлиқ тармоқ сувининг сарфланишига риоя қилиш: иситиш учун _____ т/соат миқдорида, шамоллатиш учун _____ т/соат миқдорида, ИТС учун _____ т/соат миқдорида;

- ҳисоб-китоб даври учун, ИСТ тизимига келаётган иссиқлик ташувчи манба ҳарорати бўйича талабларни бузмасдан, шу мақсадлар учун иссиқлик бўғинларини иссиқ сув ҳарорати ростлагичи билан жиҳозланган ҳолда, иссиқ сувнинг ўртача соатбай сарфини оширмаслик;

- қайтиш тармоғи сувининг суткадаги ўртача ҳароратини ҳарорат жадвалига нисбатан 3°Cдан ортиқ ошмаслигига риоя қилиш;

- бинонинг иссиқлик таъминоти тизимининг лойиҳавий сметасига риоя қилиш;

- иссиқлик бўғинларидаги торайтириш қурилмаларини алмаштиришни “Таъминотчи” билан келишилган ҳолда амалга ошириш;

- етказиб берилаётган иссиқлик энергияси учун, “Истеъмолчи” тармоқларидаги йўқотишларни ҳам кўшиб, шартномада кўрсатилган муддатларда ҳақ тўлаш;

- иситиш тармоқларида тасдиқланган дастур бўйича махсус ўқитилган ва тегишли гувоҳномаси бўлган ходимлар томонидан хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

- ускуна ва иссиқлик тармоқларини иситиш мавсуми оралиғида мукамал таъмирлашни “Таъминотчи” билан келишилган жадвал бўйича амалга ошириш;

- иссиқлик энергиясидан фойдаланишда аниқланган камчиликларни олдиндан келишилган кўрсатма муддатларида ёки томонлар келишуви бўйича тузатиш;

- ҳисобга олувчи асбобларни текшириш, шунингдек бинодаги иссиқлик ускуналарини кўздан кечириш учун “Таъминотчи” ходимларини тўсиқларсиз киришини таъминлаш.

4.5 Бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар, тақвим йил бошлангунга қадар, уларни молиялаштирувчи ташкилотлардан кейинги йил учун ажратилган лимит ҳақидаги ҳужжатларни “Таъминотчи”га тақдим этадилар. “Истеъмолчи”га ажратилган лимит тугагандан сўнг “Таъминотчи” уни иссиқлик энергиясидан узиб қўйиш ҳуқуқига эга.

5. Томонлар жавобгарлиги

5.1 Иссиқлик истеъмоли объектлари иссиқлик тармоқларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш учун жавобгарлик чегараси, “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи” ўртасидаги ўрнатилган шартномага илова қилинадиган, бўлиниш чегараси далолатномаси бўйича белгиланади.

5.2 “Таъминотчи” ертўлаларни сув босганлиги учун жавобгар эмас, чунки бинолардаги иссиқлик тармоқлари қувурлари кириткичларининг зичлигини ҚМҚ “Иссиқлик тармоқлари” 2.04.07-99нинг 6.18 бандига мувофиқ “Истеъмолчи” таъминлайди.

5.3. Иссиқлик коллекторларидан берилаётган иссиқлик ташувчи манбалар кўрсаткичлари пасайганлиги сабабли иссиқлик энергияси тўлиқ етказилмаган, Иссиқлик энергияси етказиб беришни кечиктириш, иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаслик ҳолатларда, “Истеъмолчи” томонидан иссиқлик истеъмоли тизимини гидравлик ва иссиқлик режимига риоя қилиш шarti бажарилганда, “Таъминотчи” истеъмолчига ҳар бир муддати ўтган кун учун берилмаган иссиқлик энергияси 0,5% миқдорида жарима тўлайди. Аммо жазоларнинг умумий миқдори етказиб бериладиган иссиқлик энергияси умумий миқдорининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Жарима тўловини тўшлаш “Таъминотчи”ни иссиқлик энергияси етказиб беришдан озод қилмайди.

5.4 Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун ушбу шартномада ўрнатилган муддатларда ҳақ тўламагани учун “Истеъмолчи” ҳар бир кечиктирилган кун учун қарз қийматининг 0,4%

миқдорида жарима (пеня) тўлайди, лекин бу миқдор кечиктирилган тўловни 50%дан ошмаслиги лозим.

5.5 “Истеъмолчи” ҳақ тўлашдан бош тортганда, “Таъминотчи”дан тўлашдан бош тортилган қийматнинг 15% миқдорида жарима тўлайди.

5.6 Бинонинг иситиш тизимининг лойиҳа чизмаси ўзбошимчалик билан ўзгартирилганда, бунинг натижасида тизимнинг гидравлик ва иссиқлик режими ўзгарса, “Истеъмолчи” Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавобгардир.

5.7 “Истеъмолчи” шартномани ўз вақтида имзоламаган ёки шартномани имзолашдан бош тортиб иссиқлик энергиясидан фойдаланганлиги учун мазкур шартноманинг 4.1 бандига биноан жавобгарликка тортилади.

5.8. Агарда “Истеъмолчи” “Таъминотчи” айби билан зарар кўрса, “Таъминотчи” икки тарафлама далолатнома асосида зарарни тўлиқ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5.9. Шартномада “Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари”ни бузганлиги учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий асослари ҳақида”ги Қонунига, Фуқаролик Кодексига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

6. Махсус шартлар

6.1 “Таъминотчи” айланма ҳаракатга уланиш даврида (иссиқлик тизими иссиқлик мавсуми режимида ишлашга ўтказилганда), мавсумлар ўртасидаги режимда ишлаш учун ўтилганда (иссиқлик ташувчи оқим йўналишини ўзгартирилганда), шунингдек иссиқ сув таъминоти бир қувурдан иккинчисига ўтказилганда, тармоқ сувининг органолептик кўрсаткичлари (тиниклиги, ранги, хиди)нинг вақтинча бузилиши учун жавобгар бўлмайди.

6.2 Кунлар совуб кетган даврда, яъни иссиқлик манбаларининг газ таъминоти лимити қўлланилиши муносабати билан иссиқлик ташувчи ҳарорати узатувчи қувурда (иссиқлик манбалари коллекторларида) ҳарорат жадвали бўйича талаб этилгандан пастроқ бўлганда, иссиқлик таъминоти чегаралангани учун “Таъминотчи” жавобгар эмас.

6.3 Идораларга қарашли уй-жойлар шартномаси, уларни тарифлар ўртасидаги фаркни бюджет маблағлари ҳисобига қоплаган ҳолда шаҳар турар жой уйлари жамғармасига ўтказиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ёки шаҳар/туман ҳокимининг қарори тасдиқлангандан сўнг бекор қилиниши мумкин, молиявий маблағлар ажратиш имкони бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори тасдиқлангунга қадар, тарифлар ўртасидаги фарқни қоплаш, уй-жой жамғармасини маҳаллий органлар ихтиёрига бераётган ташкилот томонидан амалга оширилади.

6.4 Шартноманинг амал қилиш муддати ўтмасидан “Истеъмолчи” ташаббуси билан шартномани бекор қилиш, юкланишини камайиш томонига ўзгартириш ёки 6 ойгача вақтинча бекор қилиш ҳолларида, “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га буюртирилган, лекин фойдаланилмаган иссиқлик юкласининг, иситиш тизимининг таъмирлаш режасининг муддатларини ҳам қўшган ҳолда 10% миқдорида келтирилган зарарни қоплайди. Ҳисобга олиш асбобларига эга бўлган “Истеъмолчи”, ҳисобга олиш асбобларининг ўртача кўрсаткичи бўйича ёзилган ҳақнинг 10% миқдоридаги зарарни қоплайди.

6.5 Бир пайтнинг ўзида аввалги “Истеъмолчи” билан шартнома бекор қилинган ва янги “Истеъмолчи” билан шу шартларда шартнома тузилган ҳолда, буюртирилган, лекин фойдаланилмаган иссиқлик энергияси учун 10% миқдорида келтирилган зарар қопланмайди.

6.6 Қайтиш тармоғи сувининг ўртача суткалик ҳарорати жадвалдагига нисбатан 3°C дан кўпроққа оширилганда, “Таъминотчи” берилаётган иссиқлик энергиясини камайитиришга ёки тўлиқ тўхтатиб қўйишга ва берилган иссиқлик энергияси учун жадвалда кўзда тутилган ҳарорат тафовутига мувофиқ ҳисоб-китобларни амалга оширишга ҳақли.

6.7 Иссиқлик тармоқларини таъмирлаш учун “Истеъмолчи” йиллик таъмирлаш жадвали бўйича ўчирилиши мумкин, бунда ўчирилиш муддатидан 10 кун аввал “Истеъмолчи” бу ҳақда огоҳлантирилиши лозим. Иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик манбаларини таъмирлаш учун “Истеъмолчи” 20 кунгача бўлган, айрим ҳолларда ҳокимият билан келишув бўйича 3 ойгача муддатга ўчирилиши мумкин. “Истеъмолчи” ўзининг иссиқлик таъминоти тизимини “Таъминотчи” билан

келишилган ҳолда, қозонхоналарнинг режали тўхтатилиши ёки иссиқлик трассасини таъмирланиш даврида таъмирлайди.

6.8 Юкланишдан 6 ойдан кўп муддатга воз кечишда, иссиқлик юкланиши 6.4 бандининг талабларига кўра тўлиқ бекор қилинади.

6.9 “Истеъмолчи” томонидан 3 ой давомида жарима (неустойка) тўланмаган тақдирда “Таъминотчи” олдиндан, камида 7 кун олдин “Истеъмолчи”ни огоҳлантириб, ўни иссиқлик энергиясидан узиб қўйиш ҳуқуқига эга.

6.10 Юридик манзил, реквизи́тлар ўзгарганда ва бошқа ўзгаришлар бўлган кундан бошлаб 5 кун давомида “Таъминотчи”ни хабардор қилади.

6.11 Иссиқлик энергияси режа асосида (вақтинча ёки мунтазам) ўчирилганда, “Истеъмолчи” ўчирилиши мўлжалланаётган муддатдан 10 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон бериш орқали “Таъминотчи”ни хабардор қилади. Бунда ушбу шартноманинг 6.4 банди “Истеъмолчи”га тааллуқлидир.

6.12 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 245-сонли «Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари»га мувофиқ мансублик чегараси иссиқлик энергиясини ўлчаш асбоби биринчи фланец уланмасига қўйилиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 245-сонли «Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари»га мувофиқ объектни узлуксиз иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсадида «Истеъмолчи» ишончлилиқ талабларини эътиборга олган ҳолда захира иссиқлик таъминоти манбалари билан таъминлаш чораларини кўриши шарт. Захира иссиқлик таъминоти бўлмаган тақдирда “Таъминотчи” ва иссиқлик ишлаб чиқарувчи юз бериши мумкин бўлган зарар учун жавобгар бўлмайди. Бундан ташқари иссиқлик энергиясининг белгиланган юкламадан тушиб кетиши, Нуробод шаҳарчасидаги электр тизимининг авария ҳолатидаги ўчиши, иссиқлик трассалари ва иссиқлик тизимининг умумий коллектордаги трубопроводларнинг ёрилиши шулар жумласидандир.

6.13. Истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш асбобларини сотиб олиш, ўрнатиш, давлат қиёсловидан ўтказиш, фойдаланиш (таъмирлаш, алмаштириш) Етказиб берувчи томонидан Истеъмолчиларнинг (субистеъмолчиларнинг) маблағлари ҳисобига бажарилади. Бунда Етказиб берувчи кўрсатиб ўтилган хизматларни истеъмолчиларга бажариш учун нархни тартибга солиш органлари билан келишилган алоҳида тарифларни белгилаши лозим.

Истеъмолчининг (субистеъмолчининг) хоҳишига кўра ва унинг ҳисобига индивидуал ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш, давлат қиёсловидан ўтказиш, таъмирлаш ва алмаштириш “Ўзстандарт” агентлиги органларида аккредитациядан ўтган бошқа ташкилотлар томонидан ҳам бажарилиши мумкин.

6.14. Индивидуал Ҳисобга олиш асбобларини қиёслашдан ўтказиш оралиғи — 8 йилда 1 мартани ташкил этади.

Индивидуал ҳисобга олиш асбобидан фойдаланишнинг белгиланган чекланган муддати тамом бўлгунга қадар Етказиб берувчи олдиндан (камида 10 календарь кундан олдин) Истеъмолчига шартномада қайд этилган индивидуал ҳисобга олиш асбобидан фойдаланишнинг чекланган муддати тамом бўлганлиги тўғрисида белгиланган тартибда билдиришнома юборади.

6.15. Индивидуал ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича Давлат хизматлари кўрсатишнинг Маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 968-сонли қарорининг 3-иловасига мувофиқ Давлат хизматлари кўрсатиш маркази орқали метрология хизмати томонидан амалга оширилади:

6.15.1. Ҳисобга олиш ускунасини қиёслашдан ўтказиш натижаси ижобий бўлган тақдирда, ҳисобга олиш ускунаси фойдаланишга яроқли деб топилади ва метрология хизмати томонидан ҳисобга олиш ускунасининг қиёслашдан ўтказилганлиги ҳақида сертификат расмийлаштирилади.

Ҳисобга олиш ускунаси унинг ҳисоблаш механизми ва созлаш элементида ўзгартириш киритишнинг олдини олиш мақсадида метрология хизмати томонидан тамғаланади.

Ҳисобга олиш ускунасини қиёслашдан ўтказиш натижаси салбий бўлганда, ҳисобга олиш ускунаси фойдаланишга яроқсиз деб топилади ва бу ҳақда шу куннинг ўзида метрология хизмати масъул ходими томонидан ҳисобга олиш ускунасининг яроқсизлиги ҳақида хабарнома расмийлаштирилади.

Сертификат ёки хабарнома расмийлаштирилгандан сўнг 20 дақиқа ичида метрология хизмати масъул ходими уларни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаб, таъминотчи корхонага, шунингдек, Давлат хизматлари маркази (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ЯИДХП орқали талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) электрон шаклда юборadi.

6.15.2. Таъминотчи корхона сертификат ёки хабарнома келиб тушганидан сўнг 2 иш куни ичида ҳисобга олиш ускунасини метрология хизматидан олиб кетади.

6.15.3. Хабарнома олинган тақдирда таъминотчи корхона ҳисобга олиш ускунасини 3 иш кунда таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш чорасини кўради. Ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускунасини таъмирлаш ёки янгисига алмаштиришга доир сарф-харажатлар таъминотчи корхона томонидан Таъминотчи корхона фойдасига тақсимланган Давлат хизматларини кўрсатиш учун тўланган йиғим суммалари ҳисобидан қопланади.

6.15.4. Таъмирланган ҳисобга олиш ускунаси таъминотчи корхона томонидан икки иш кунда уни қайта қиёслашдан ўтказиш учун метрология хизматига тақдим этилиши лозим.

Метрология хизмати ҳисобга олиш ускунасини Регламентнинг 24-25-бандлариданазарда тутилган тартибда қиёслашдан ўтказadi. Бунда, қайта қиёслаш учун талабгор ёки таъминотчи корхонадан қўшимча тўлов ундирилмайди.

6.16. Индивидуал ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш учун Истеъмолчи Ётказиб берувчига буюртманома беради. Буюртманома тушгандан кейин Ётказиб берувчи уч кун муддатда Истеъмолчи билан индивидуал ҳисобга олиш асбобларини сотиб олиш ва ўрнатишга шартнома тузади. Шартномада Истеъмолчи томонидан шартнома суммасининг 100 фоизини олдиндан тўлаш тўғрисидаги шарт назарда тутилади.

6.17. Ётказиб берувчи ёки «Ўзстандарт» агентлигида аккредитациядан ўтган бошқа ташкилот Истеъмолчи томонидан иссиқ сувни индивидуал ҳисобга олиш асбоби ўрнатилган жойга бориш имкони берилиши шarti билан, тўлов амалга оширилгандан кейин 30 календарь кун мобайнида Истеъмолчига индивидуал ҳисобга олиш асбобини ўрнатиши шарт.

Ётказиб берувчи томонидан индивидуал ҳисобга олиш асбобини ўрнатиш муддатига риоя қилинмаган тақдирда Истеъмолчи қонун ҳужжатларида белгиланган оширувчи коэффициентни тўлашдан озод этилади.

7. Якуний қоидалар

7.1. Шартномага илова қилинган куйидаги иловалар ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади:

1. “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи” ўртасидаги иссиқлик тармоғининг баланс бўйича мансублик чегараси ва фойдаланиш жавобгарлигини ўрнатиш далолатномаси (Илова №1).

2. “Истеъмолчи”нинг масъул вакилини тайинлаш ҳақидаги маълумотнома (Илова № 2).

3. “Истеъмолчи”нинг иссиқлик объектларини жойланиши ҳақидаги маълумотнома (Илова №3).

4. “Истеъмолчи”нинг жавобгарлик чегараси ва ҳисобга олувчи асбоблар жойланиши кўрсатилган ташқи иссиқлик таъминотининг принципаал схемаси.

7.2 Шартнома томонлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишга ҳақлидирлар.

7.3 “Истеъмолчи” “Таъминотчи” томонидан унга юборилган шартномани расмийлаштириб ёки келишмовчиликлар баённомасига ўзгартиришлар киритиб 30 кунлик муддатда унга қайтариб бериши лозим. Агарда шартнома кўрсатилган муддатдан кечикиб қайтарилса шартнома “Таъминотчи” тахрири бўйича қабул қилинади. Агарда “Истеъмолчи” шартномани келишмовчилик баённомаси билан қайтарса, “Таъминотчи” 15 кунлик муддатда жавоб бериши лозим, акс ҳолда шартнома “Истеъмолчи”нинг келишмовчилик баённомаси билан қабул қилинади.

7.4 Форс-мажор ҳолатлари тенг равишда ва даражада ушбу шартномани тузган иккала томонга тегишли.

7.5 Ушбу шартномада кўзда тутилган ёки улар билан боғлиқ масалалар бўйича келишмовчиликлар келиб чиққан ҳолларда, томонлар уларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш учун барча чораларни кўрадилар, ҳал қилинмаган масалалар Оҳангарон туманлараро Иқтисодий судига кўриб чиқиш учун юборилади.

7.6 Ушбу шартномада кўзда тутилмаган барча масалаларда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги қўлланилади.

7.7 Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганлиги ёки уни бекор қилинганлиги “Истеъмолчи”ни қарзларни тўлашдан ҳамда иккала томонни жавобгарликдан озод этмайди ва ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятлар бўйича эътирозларни якунига етказиб ҳал қилиш учун таъсир қилмайди.

Шартнома муддати тўғамасдан камида бир ой олдин шартномани бекор қилмоқчи бўлган томон уни бекор қилиш тўғрисида ёзма равишда иккинчи томонни огоҳлантирмаса, шартнома муддати мазкур шартнома билан белгиланган яна бир амал қилиш муддатиға узайтирилган деб ҳисобланади

7.8 Мазкур шартнома ўзбек тилида тузилган, иккала матн бир хил кучға эға.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу шартнома 2022 йил 24 январдан ҳисобға олиниб бюджетдан маблағ олувчилар учун ушбу шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатға олингандан сўнг кучға киради ва 2022 йил 31 декабгача амал қилади.

9. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари:

«Таъминотчи»

"Kommunal xizmat

ko`rsatish" davlatkorxonasi

Манзил: Ангрэн шаҳар Нурободшаҳарчаси 21 уй

Телефон: 371-645-60-51

Х/р 2021 0000 9041 6356 6001

Схема.р.2320 2000 3041 6356 6006

Банк номи АТИБ “Ипотека банк” Охангарон филиали

МФО: 00487 ИНН: 203846600

ОКОНХ: 90 290

Раҳбар:  А.Эргашов

М.Ў.

«Истеъмолчи»

Охангарон туман Мактабгача таълим булими

Манзил: Охангарон шаҳар 3 кичик ноҳия Ватан МФЙ тел. 645-46-60

Ғаз./х 23402000300100001010

Банк номи Марказий банк Тош шаҳар Бош бошқармаси ВККМ

МФО 00014 ИНН 201122919


ш/хⁱ 100022860272127091100251012

шахсий ИНН 207267384

Охангарон туман Ғазначилик булими (Ғазначилик бўлинмасининг номи)

Раҳбар:  М.Абдурахманова

М.Ў.



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

Ohangaron tuman Maktabgacha ta'lim bo'limiga "Kommunal xizmat ko'rsatish" davlat korxonasi tomonidan issiq suv holidagi issiqlik energiyasini etkazib berish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Ohangaron tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 18.01.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Ohangaron tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti



A.Sa'dullayev

2022 yil 19 yanvar